



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1-июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 174 (9.977)

2003 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САҲИФАДА

□ **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Нақошлик» маҳалласида «Мустақиллик ва давр» мавзuida фаоллар иштирокида ўтказилган йиғилиш туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маянавийт ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди. Тадбирда маҳалланинг кам таъминланган оилаларига озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар Саломатлик марказида БУГУН йод таъқислигининг олдини олишда ўқувчиларнинг роли масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамда Республика Саломатлик институти томонидан уюштирилди.

□ **ЭРТАГА** Акмал Икромов туманида жойлашган «Тинчлик» маҳалласида Мустақиллик байрами муносабати билан маҳалла фаоллари учун байрам дастурхони ёзилади.

□ **АЙНИ** кунларда шахримиз бозорларида Истиқлолнинг 12 йиллиги муносабати билан вилоятлардан келтирилган бодорчилик ва полиз маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Ушбу ярмарка 10 сентябрга қадар давом этади.

□ **СОБИР** Рахимов туманидаги «Себзор» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар уюшмаси ташаббуси билан уюштирилди.

□ **АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат миллий кутубхонасида фан, маданият, адабиёт соҳасида эришилган ютуқларни акс эттирувчи китоблар, расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

□ **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети кутубхонасига таълим самаралорлигини янада ошириш мақсадида замонавий жиҳозлар ва янги китоблар келтирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фидокорона хизматлари учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Фидокорона хизматлари учун» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Фидокорона хизматлари учун» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда; 1998 йил, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда) 11-моддаси «Эл-юрт ҳурмати» ордени» деган сўзлардан кейин «Фидокорона хизматлари учун» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 август.

Илова

«Фидокорона хизматлари учун» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мамлакатнинг итисодий ва маданий юксалишига, муҳофаа қудратини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжихатликни мустақамлашга, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақига бахш этиб, фидойиллик намунасини кўрсатиб келаётган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденини топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам

иш ҳақининг қирқ беш карра-си миқдоридан бириўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Фидокорона хизматлари учун» ордени кўкрақнинг чап томонида тақилади.

5. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бириўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Илова

«Фидокорона хизматлари учун» орденининг ТАВСИФИ

«Фидокорона хизматлари учун» ордени 1 микро қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали қумушдан тайёрланади ҳамда саккиз қиррали ёқут рангли юлдуз шаклида бўлади. Юлдуз бурчақлари орасида оқ эмаль қопламаси узра таралаётган нурлар акс этган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиги — 52 миллиметр.

Орденининг марказидаги доирада тилда рангдаги Ҳумо қўши тасвирланган. Унинг ортида — марказдан юқорикордаги мовий манзара бағрида Ўзбекистон Республикасининг олтинранг харитаси жойлашган.



Тасвир атрофидаги оқ эмалли ҳошия узра олтин рангдаги харфлар билан «FIDOKORONA XIZMATLARI UCHUN» сўзлари ёзилган.

Орденининг қўйи қисмида оқ рангли пахта чаноқлари ва тилла рангли буғдой бошоқлари тасвирланган.

Орқа томонининг пастки қисмида орденининг тартиб рақами 1 миллиметр катталигидаги ботиқ шриффт билан ёзилган.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ранглиридаги шойи лента сиринган қадағича халқа ва илмоқча ёрдамда уланади.

қаро мусика анжуманларидаги илк муваффақияти, - деди ансамбль ижрокчиси Евгений Сариглар ўЗА муҳбирига. - Санъат байрамида «Энасойим», «Эзир-Қара», «Эки аътар» каби миллий қўшиқларимизни ижро этдик. Миллий аъналар ва замон руҳини ўзида мурассама этган «Шарқ тароналари» анжумани халқларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи улкан эзгулик минбарига айланиб бормоқда. Фестивалнинг юксак савида, кўтаринки руҳда ўтгани бизда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

(ЎЗА).

XXI саҳоси

Барча маббалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қўловлар келиши давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Ҳамидулла Садуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислам Республикаси жамоат ишлари вазири Абдулла Али «Ўзвотойўл» давлат акциядорлик компаниясида бўлди. Бу ерда ўтказилган музокаралар чоғида ҳамкорликда бунёд этилаётган Термиз — Мозори Шариф — Шибиргон — Маймана — Хирот автомобиль йўли қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзuida республика бадиий кўргазма танлови очилди.

Жаҳонда

● Германия канцлери Герхард Шрёдер 2006 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда учинчи марта ўз номзодини қўйишини расман маълум қилди.

● Саудия Арабистонининг шахзодаси Абдулло II илк бор Москвага ташриф буюрди. Ташриф чоғида Москва ва Эр-Риёд нефть ва халқаро терроризмга оид шартномалар имзолашди.

● БМТ кўшинлари Конго Демократик Республикаси шаркида жойлашган ва асосан французлардан иборат бўлган Европа ҳамжамияти кўшинлари ўрнини эгаллади. Улар Европа ҳамжамияти кўшинларига қараганда кўпроқ ваколатларга эга бўлишади.

● Ўтган кун Иттой ҳукумати расман 2008 йилда бўлиб ўтадиган олимпия ўйинлари рекламасини бошлаб юборди.

● Ҳафта бошида Исроил ҳукумати «Хамас» террорчи ҳаракати қарши уруш эълон қилди.

Фестиваль ғолиблари билан учрашув

Самарқанд шаҳрида куни кеча катта муваффақият билан яқунланган «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусика фестивалида Тува Республикасининг /Россия/ «Уранхай» миллий ансамбли Гран-при - олий совринга лойиқ топилди. Шу муносабат билан Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда таъқидланганидек, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи марта ўтказилган ушбу фестивал жажонда тобора шукрат қозониб бораётини. Миллий мусика аъналарини асраб-авайлаш ва ривож-

лантириш, ёш авлод қалбидан санъатга муҳаббат туйғуларини камол топтириш, чин инсоний қадриятларни тараннум этишда ушбу фестивалнинг аҳамияти улкан. Мазкур мусика байрами халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик

ришталарини янада мустақамлаш, ижодий ҳамкорлик, маънавий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миёсда кенгайтиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилапти.

— Бу - ансамблизмизнинг хал-



Ҳар гўшада байрам нафаси

Мустақиллик шодиёналари шахримизнинг барча туманларида кенг нишонланди

Энг улуг ва қадрли шодиёна — Истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами бутун Республикаимизда кенг нишонланди. Байрам шуқуҳи билан янада салобатли ва чирой очган шахримизнинг энг сўлим ва хушманзара майдон ва хиёбонлари, маданият ва истироҳат боғлари, шинам гузарларида катта тантана ва кўтаринки руҳ билан халқ сайиллари бўлиб ўтди.

Байрам тантанаси аввало пойтахтимизнинг бош — Мустақиллик майдонида бошланиб, бу ерда бугунги кун нафасида кўзларида нур, қалбларида гурур билан қадам босаётган ҳамшаҳарларимизга «Тошкентнаво» эстрада бирлашмасининг хонанда ва созандалари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан хизмат кўрсатдилар.

Мустақиллик меваси бўлиши Алишер Навоий номидаги Миллий боғда эрталабдан карнай-сурнай наволари янграб катта байрам сайлига барчани чорлади. Шаҳар Маданият ишлари бош бошқар-


масининг 24 та бадийи жамоалари боғга ташриф буюрган катта-кучикка бирдек хуш кайфият улашди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар байрамга янада кўтаринкилик бахш этди.

Мирзо Улуғбек туманида Ҳамид Олимжон, Мирзо Улуғбек майдони ва Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган халқ сайиллари ҳам узоқ вақт ёдга қолиши шубҳасиз. Тумандаги «Гулшан», Феруза маданият уйлари хонандаю созандалари, бадийи ҳаваскорлик жамоалари шўх куй ва қўшиқлари, аскияю хангомалари билан эрталабдан бошланган тан-

танага ташриф буюрган минглаб ҳамшаҳарларимизнинг кўнглига қувонч бағишладилар. Кун давомида бўлиб ўтган турли спорт мусобақалари, ғолибларга туман ҳокимлиги томонидан топширилган эсдалик совғалари байрам тadbирларига янада чирой бахш этди.

Шунингдек пойтахтимиздаги энг хушманзара Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги театр майдони, «Шоирлар хиёбони», «Темирйўлчилар» маданият саройи, Ибн Сино гузари каби қатор гўшаларда ҳам катта байрам томошалари бўлиб ўтди. Ҳамшаҳарларимизга «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси бадийи жамоалари, «Ўзбекистон—Ватаним менинг» кўрик-танлов ғолиблари ўзларининг катта байрам дастурлари билан хизмат кўрсатдилар.

Шоира МУХАМЕДОВА



СУРАТЛАРДА: шахримиз туманларидаги бош майдонлар ва истироҳат боғларидаги байрам сайилларидан лавҳалар.

• ЯГОНА ОИЛАДА

Хуш кайфият бахш этди

Энг улуг ва азиз байрамимизни она Ўзбекистонимизда яшаб, шу юрт тупроғи, муқаддас замин менинг Ватаним деб ҳисоблаган ҳар бир инсон шоду-хуррамлик, юракда гурур билан кутиб олди. Жумладан Республикаимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортик турли миллат вакиллари ҳам тинчлик-тотувлик, ўзаро тенглик, диний бағрикенглик, дўст-биродарлик руҳи билан улуг айёмга пешвоз чиқдилар.



Яккасарой туманидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази ва унинг қошида фаолият юритаётган 35 та миллий маданий марказлар Истиқлол байрамини ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонлайдилар. Ушбу тadbирнинг ўзига хос жиҳати шундаки, боғга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон турли миллат вакиллари оқиб чехра, хуш кайфият, ҳар бир марказнинг миллий либосларда, ўз тилида саломлашиб кутиб олишининг гувоҳи бўлади. Бир оила фарзандларидек Ўзбекистонимизда яшаб, меҳнат қилиб ҳаёт кечираётган турли миллат вакиллари «Ўзбекистон — она диёримиз», «Бир оила фарзандларидек», «Мустақиллик — бутун Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг байрами» каби шиори асосида бўлиб ўтган катта байрам томошалари, куй-қўшиқлар, ларлар, миллий таомлар ва тасвирий санъат асарлари кўргазмалари, барча-барчаси байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ушбу байрам тadbирларида элимиз ардоғидаги Фаррух Зокиров, Мансур Тошматов, Исмоил Жалилов каби таникли санъаткорлар ҳам иштирок этиб, Истиқлолимиз саодати ҳақида юракдан куйладилар.

Биз Бобур боғида улуг

айём шодиёналаридан баҳраманд бўлиб, катта-кичик набираларини етаклаб, сайр қилиб юрган ҳамшаҳарларимиз билан суҳбатда бўлдик.

Марина БОЯГИНА, пенсионер:

— Икки ўғлим ва келинларим эл хизматида. Ўзим эса кекоалик гаштини суриб, набираларимнинг меҳрибон бўлишимни бўлиб ўтирибман. Миллатим рус, лекин ўзбек тилини яхши биламан, чунки Ўзбекистон ягона уйимиз. Тинчлик-хотиржамлигимизнинг қадрига етиб, Мустақиллигимиз умрдо бўлишини тилайман.

Қодиржон МУҚИМОВ, меҳнат фахрийси:

— Менинг миллатим қирғиз, лекин эсимни танибманки, ҳали мендан ҳеч ким миллатинг нима деб сўраган эмас. «Ўзбекистон — Ватаним менинг» деб фахрланиб юраман. Шу ерда туғилдим, ўсдим, оилали, бола-чақали бўлдим. Ҳозир набиралар қуршовидаман. Мустақиллик байрамини юракдан нишонлаётган барча-барчани муобрақбод этаман. Илоҳим — мустақиллигимиз абадий бўлсин.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.

Сергей Любичич олган суратлар.

Санъат

РАССОМНИНГ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

Миниатюра санъати Шарқда, айниқса кенг ривож топди. Устод санъаткор Камолддин Бехзод яратган миниатюра санъати мактаби ана шу кўхна мерос истиқболлини белгилаб берди.

Эндиликда бу ижодий жараённи тадқиқ этиш йўлида самарали илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундай ижодий жараёнга атоқли мўйқалам усталари ҳам қўл урганликлари қувонарлидир. Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзавев мазкур хайрли иш билан шуғулланиб, «Миниатюраимиз истиқболли» деб номланган асарни ёзиб тугатди. Унда миниатюра санъатининг бугунги амалий ютуқлари ўз ифодасини топди.

Рассом «Мағрибу машриқ» деган тадқиқотни илоҳий мавзуга бағишлади.

Кўرғазмалар

КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ МОСКВАДА

Шу йилнинг сентябрь ойида Россия федерацияси пойтахти Москвада навбатдаги халқаро кўрғазма очилади. «Кимё-2003» деб номланган бу катта экспозицияга «Совпластитал» Ўзбек-Италия-Британия кўшма корхонаси ҳам тақлиф этилди.

Шу муносабат билан корхона кейинги йилларда ўзлаштирилган янги технологиялар бўйича ишлаб чиқарган энг яхши маҳсулотларини жамлаб, Москвага юборди. Улар орасида рангли шишадан тайёрланган эсдалик ва совга-салом буюмлари, чинни ва сопол идишлар ҳам талайгина.

Шўртан кимё корхонаси хомашёси билан ишлаб чиқарилган полимерли маҳсулотлар ҳам кўрғазмада томошабинларга кўрсатилади.

Бу тadbир доирасида «Совпластитал»нинг кўп йиллик фаолиятига оид босма нашрлар ҳам намоён қилинади.


ЭКСПОНАТЛАРДА — ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспо-марказ» савдо-кўрғазмалар марказида катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Марказий кўрғазмалар зали эса Европа андозаси бўйича туб таъмирланиб, янада кўркам кўриниш касб этди.

Бу ерда уюштирилган дастлабки халқаро кўрғазма «Туризм ва сайёҳлик» деган мавзуга бағишланди. Шу йилнинг кузида очиладиган мазкур экспозиция Британия кўрғазмалар компанияси саъй-ҳаракати билан намоён қилинади. Унда Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Кипр каби ўндан ортиқ мамлакат туризм ташкилотлари ўз экспонатлари билан қатнашадилар.

Ташкилий гуруҳнинг навбатдаги йиғилишида халқаро кўрғазма-ни ўтказиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

Ақбар АЛИЕВ



• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Янги ўқув йилига совға

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар ўз натижаларини бермоқда. Жумладан шахримизда йилдан йилга кўплаб бунёд этилаётган замонавий коллеж ва академик лицейлар фикримиз далилидир.

Кеча шахримизнинг Собир Раҳимов туманида Тошкент банк коллежи янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Саидахор Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Курбонов, Собир Раҳимов тумани ҳокими Атаҳамжон Миржалилов сўзга чиқиб чеҳраларида қувонч ва ҳаяжон, бахтиёрлик акс этиб турган ўқувчиларни янги ўқув йили билан муборакбод этдилар, келгусида мана шундай мухташам бинода пухта билим эгаллаб, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига ишонч билдирдилар. Шундан сўнг давомли қарсақлар остида меҳмонлар рамзий лентани қўриқиб коллежнинг ўқув хоналари билан танишдилар.

— Янги ўқув йилида коллежга 700 ўқувчи қабул қилиниб, унда жами 1800 ўқувчи таҳсил олади, — дейди

Тошкент банк коллежи директори Зайниддин Худойбердиев. — Бу ерда тўрт мутахассислик, яъни банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия агенти, ҳуқуқий-ўжалик фаолияти бўйича ўқувчилар етук ва малакали ўқитувчилардан таълим оладилар. Ҳозирги кунда коллежда 4 нафар фан доктори, профессорлар, 23 та фан номзоди ва 80 дан ортиқ юқори малакали ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Коллежнинг барча тузилмалари замонавий компьютерлар орқали ягона компьютер тармоғига ва у орқали Интернет тармоғига уланган. Дарслар турли фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш технологиялари асосида олиб борилади. Жумладан, PENTIUM русумли компьютерлар билан жиҳозланган 10 та компьютер хоналари, 4 та лингафон хонаси ва 100 дан ортиқ жиҳозланган аудиториялар, спорт заллари ва май-

Кеча мамлакатимиздаги барча олий ўқув юрталари, коллеж, лицей ва мактабларда янги ўқув йили бошланди. Бир хил мактаб формаси кийган ўқувчиларнинг қалблари қувончга тўла. Улар қадрдон мактаблари, азиз ва меҳрибон устозлари ва жонажон синфдошларини соғиниб, улар билан суҳбатлашишга ошиқадилар. Мактабларда янграган кўнградек садолари айниқса биринчи синф остонасига қадам қўйган жажжи ўғил-қизларни ҳаяжонга солди.

Барча мактаблар сингари Мирзо Улугбек туманида жойлашган 18-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини катта тантана, шодиёна руҳда кўтиб олдилар. Истиқлолимиз байрами арафасидаги янги ўқув йилини ўқувчилар «Ўзбекистон мадҳияси»ни дилдан қалблари фаҳрга тўлиб қўйлаш билан бошладилар. Йиғилишда мактабда фаолият олиб бораётган турли хил тўғарак аъзолари ўз махоратларини намоён этидилар. Юқори синф ўқувчилари

Шодликлари бир олам



ри ҳарбий оркестр жўрлигида биринчи синф ўқувчиларини синфлари томон кузатиб бордилар.

— Мактабимизда янги ўқув йилининг биринчи дarsi Мустақиллигимизга бағишланди, — дейди мактаб директори Назира Ортиқова. — Юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган йиғилишда ўқувчилар мустақиллик йиллари қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар, бу ҳақда ёзган рефератларини, адабий композицияларини намоён

этдилар. Бу йил янги ўқув йилига ҳар доимидан ҳам ўзгача тайёргарлик кўрилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Жумладан, иситиш тизими ва мактаб томи ҳамда спорт зали талаб даражасида таъмирланди. Ўтган ўқув йилида мактабимиз жамоаси самарали ютуқларга эришти, деб айтиш мумкин. Шаҳар ва туман бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида И.Фидаев, З.Усмонова, К.Ельшова, С.Аббазов, Н.Гашенова сингари ўқувчилар совриндорлар

қаторидан ўрин олди. Албатта мактабимизда иқтидорли ўқувчилар талайгина. Шунингдек ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқишлари ҳам катта. Улар турли хил спорт тўғаракларига жалб қилинган. Аини кунда мактабимизда 1500 ўқувчи таълим олади. Бу йил 1-синфга 128 ўқувчи қабул қилиниб, тўртта синфга бўлинди. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар етарли.

Янги ўқув йилини шодиёна руҳ билан бошлаган ўқувчилар албатта илм-маърифат олишга ташналар. Бу йўлда уларга меҳрибон устозлари қанот беришлари, зиё нуридан баҳраманд этишлари керак албатта.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: 18-мактабда янги ўқув йили мана шундай бошланди.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



дончалари кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, коллеж бир қанча етакчи хорижий давлатларнинг, жумладан, Япония, Германия ва Исроил, ҳамдўстлик мамлакатларининг ўқув юрталари ва иқтисодий тузилмалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шуни ҳам алоҳида қувонч билан айтиш керакки, ўқув маскани ёнида янги ўқув йили олдида «Ўзуйжойкамгарма-банк» Собир Раҳимов туман филиалининг ҳам очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу банк қошида жойлашган ўқув банк-ида коллеж ўқувчилари келгусида билим олиш билан бирга амалиётни ҳам бирга олиб боришлари борасида қўлай имкониятлар яратилади.

Ҳақиқатан ҳам янги ўқув йилини янги орзу ва мақсадлар билан бошлаган ўқувчилар келажақда пухта билим эгаллаб, мамлакатимиз иқтисодийнинг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз.

Дилором ИКРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: Тошкент банк коллежи янги биносининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Кўз кўриб дилни қувонтирган шодлик, шукроналик шуки, мустақил Ўзбекистон истиқлолнинг ўн икки йилли мобайнида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Энг муҳими, сиёсий соҳада — демократик ҳуқуқий тамойилларга асосланган давлатчилик қарор топди. Қонуни устуворлигига асосланган, барчанинг тенглиги таъминланган эркин фўқаролик жамиятини барпо этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда халқ ҳокимиятичилиги амалда намойн бўла бошлади. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини тараққий эттириш фўқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартлари таъминланди. Бу ҳаётий ҳақиқат бўлиши шарт. «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаолияти юксалиб боргани сари, давлат вазибаларини нодавлат тузилмалари ва фўқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма босқич ўтказиб бориш зарур» деб таъкидлаганди Юртбошимиз.

Барчамиз яхши биламизки, фўқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, бундан мунтазам камол топтириш борасида узлуқсиз иш олиб боришдан иборатдир. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳаммиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланган ҳамда ўзида яхлит бир тизимни муҷассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўзига кадриятлар турмоғи керак. Мана шу уч буюк кадриятни халқимиз асрлар давомида ҳаммиша эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бундан шарқ фалсафаси ҳам бу кадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартини деб билган.

Утган 12 йил давомида мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш, маънавий санолатини юксалтириш, демократик жараёнларни қўқурлаштиришга қаратилган жуда

кўплаб қонунлар қабул қилинди. Қонунлар аввало ҳазрати инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган бўлса, иккинчидан жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборни ошириш, барча соҳаларда эркин фаолият юритишга хизмат қилиши кўзда тутилди.

Истиқлол туфайли дунёни, бошқа халқларнинг ҳаёти, маданияти, тарихи, давлат бошқаруви, қонун-қондалар билан танишар эканмиз, айни пайтда ён-атрофимизда демократия, инсон ҳуқуқлари, фўқаролар жамияти деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу бежиз эмас, албатта. Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб, ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий ислохотларга ҳаммадан равишда суд соҳасида ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Энг олий қадратли инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва ажралмас ҳуқуқлари эканлиги тўғрисидаги тамойил Конституцияимизда мустақамлаб кўйилди. Ижтимоий кадриятларнинг давлат фойдасини эмас, балки инсон фойдасини кўзлаб ўзгартирилиши жамият томонидан тўла кўллаб-қувватланди, фўқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчи ва мажбуриятларини тўла тушуниб етишларни йўлидаги тўғри қадам деб қабул қилинди.

Истиқлол туфайли биз ҳуқуқий мустақилликка эришдик. Юртбошимиз мустақиллик йилларининг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигига эришиш асосий максамидимиз эканлигини тушунирган эдилар. Асосий

Инсон манфаатлари йўлида

Қонунимизнинг қабул қилиниши эса суд тизимини янгилаш, уни демократлаштириш жараёнига жиддий туртки бўлди. Конституциянинг 11-моддасида ҳокимият бўлиниши принципи мустақамлаб кўйилди, унга кўра мамлакатда давлат ҳокимияти бир-биридан мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар «Судлар тўғрисида»-ги, «Прокуратура тўғрисида»-ги ҳамда «Адвокатлик фаолияти тўғрисида»-ги бевосита инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлган қонунларда ўз ифодасини топди.

Жумладан, Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралда бўлиб ўтган биринчи, 1995 йил 21 декабрдаги тўртинчи, 1996 йил 28 августдаги олтинчи ва 2002 йилнинг 30 августдаги иккинчи чакриқ тўққизинчи сессияларида суд ҳокимияти мустақил ва қарам бўлмаган тармоқ эканлигига, одил судлов тизимини кенгайтириш ва демократлаштириш лозимлигига эътибор берилди.

Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармонига мувофиқ одил судловнинг амалга оширилиши сифатини ошириш мақсатида мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фўқаролик судлари ташкил этилган бўлса, 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларини қайта кўриб чиқариш тўғрисида»-ги Қонуни мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда инсон манфаати ва қадр-қиммати борасида қабул қилинган ўшбу қонун катта тарихий аҳамиятга эга бўлди десак муволага бўлмайди. Чунки у орқали амалдаги қонунларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мамлакатнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари инсонпарварлик гоялари асосида чуқур ислох қилинганлигини намоён қилади.

Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ тўққизинчи сессиясида бу қонунларга ошонлиқка эришилгани, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш, амалга ошираётган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орада қилган марраларга етказиш лозимлиги ҳақида Юртбошимиз жон кўйибди сўзладилар ва бу йўлда амалга оширилиши лозим бўлган 7 та йўналишда белгилан бердилар.

Ушбу сессияда Президентимиз суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бошланган хайрли ишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътиборни қаратиб, «Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолияти сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлиши зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг устуворлиги таъминланади. Қарерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши мумкин» деб таъкидладилар.

Суд ҳокимиятининг моҳиятини таъкидловчи ва мустақамламовчи бир қатор кон-

ституциявий қоидалар мавжуд. Жумладан, 112-модда — судьялар мустақилдирлар ва қонунга бўйсундилар; 114-модда — суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар — ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Бу моддалар ижтимоий тўғримиқнинг ютуқларини эътифдор этиш билан бир ҳаётимизнинг келажиги, раванки йўлидаги вазибаларни белгилайди.

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазибалардан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришни қулайтириш, тадбиркорлар фаолиятини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли қафолатини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш мақсатида Республика Вазибалар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 17 февралда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан Адлия идораларига тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларига ҳуқуқларини, уларни қонун билан муҳофаза қилиш, амалдаги манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳар Адлия бошқармаси ҳам тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб фўқаролик ишлари бўйича судларга ва ҳўжалик судларига етказилган моддий, бой берил-

ган фойда ҳамда маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъво аризалари билан мурожаат этиб келмоқда.

Ривожланган давлатларда мамлакатнинг қудрати халқнинг қонунларни қай даражада билиши билан баҳоланади. Мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий-демократик-жамият қуриш йўлидан борилмоқда. Кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар бир юртдошимиз нафақат қонунларимизни билиши, балки уларга амал қилиши ҳам керак. Бу йўлда бошқармаимиз ходимлари маҳалларда, олий ўқув юртлири, коллеж ва лицей, турли жамоат ташкилотларида бўлиб, инсонлар камолоти йўлида қабул қилинаётган қонунларимизни юзма-юз мулоқот-ётган тушунирмоқдалар. «Кучли давлатларда кучли жамият сари» мавзуларида давра суҳбатлари, турли кўрик-танловларни ўтказиб келмоқдалар.

Обод маҳалла йилида наинки маҳалларимизнинг озода, тартибли, тарбия масканга айланиши, балки фўқароларимизнинг ҳуқуқий саводхон бўлишлари йўлида ҳам кенг қамровли ишларни олиб борамиз. Кундан кунга ривож топиб, қад ростлаётган мустақил дийримизда суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича олиб борилаётган хайрли ишларни аҳоли онига синдириш, жонли, содда, халқ тилида суҳбатлар олиб бориб, муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юксак андозаларга асосланган қонунларимиз ҳам ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмасе бу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлимади.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан мамлакатимизда инсон қадрини, уларни улуғлаш борасида беқийс ишлар

амалга оширилаётган экан, биз маъмурий орган ходимлари ҳам ижобий янгилик ва ўзгаришларни ҳаётга татбиқ қилишда сиқидилдан, ҳалол, масъулият билан ва зиғифимизни баҳармоғимиз лозим. Энг катта бойлигимиз, улуг нёмат — Мустақилликимизни мустақамлаш, давлатимиз қудратининг юксалиши, энг асосийси фўқароларимизнинг қонунларга ҳурмати ва ишончининг орттиришга ҳисса қўиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз бўлмоғи керак.

Атрофга бир назар ташланг, янгилашни, яшариш, бунёдкорлик ишларини бир кўринг. Истиқлолнинг сизу бизга берган нёматлар кўлами нақадар кенг ва улугвор. Уларнинг бари озод халқимизнинг пешона тери, сиқидилдан қилаётган меҳнати ва келажиги буюк давлатни барпо этиш йўлидаги эътиқод ва иштиёқнинг мевалари. Хеч шубҳасиз халқимиз оқунгли, оқилу доно, меҳнатсевар. Эзгуликка, юксак маънавият ва фаровонликка интилиш яшайди. Истиқлолимиз Ватан тақдирини, халқ тақдирини ва жумладан ҳар биримизнинг тақдиримизни ўзгартириб юборгани аниқ. Муътабар қадриятлари, маънавияти, фахр ва гурури тикланган Ватанимизнинг барча фўқаролари бугун ҳар нарсасга қодирдирлар. Мамлакатни таракқийлантириш юксак қўққиларга дадил бошлаб, янги, фаровон жамиятни, инсонпарварлик ҳукмрон бўлган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш мақсатида меҳнат қилмоқдалар. Ҳар биримизнинг ана шундай ҳис-туғйлар, орзу-интилишлар билан яшашимизни, озод дийримиз тамаол тошини кўчирил қаторидан ўрин олишимизни тўлаб қоламиз.

Маҳаллаларда фўқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаган ёшлар билан ишлашда фаолиқ кўрсатаётган 25 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ҳамда маҳалла педагог-тарбиячилари рағбатлантирилди.

Шу билан бирга ўсая келаятган ёш авлодни тарбиялаш, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий сависинини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши фаолиятига доимий равишда амалий ёрдами ва ҳамкорлиги учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгашининг фахрий дипломи билан тақдирланди.

Козимжон КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Адлия
бошқармаси бошлиғи

ТАДБИРЛАР

БАЙРАМ

ТУҲФАСИ

Мустақилликимизнинг 12 йиллиги шодибёна қунарилади «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси, Давлат автотомобил назорати бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳар ИИБ-Бнинг «Маънавият ва маърифат» марказида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, халқимиз тинчлиги-осойишталиги йўлида ўз хизмат вазибаларини баҳарми вақтида халок бўлган 50 дан зиёд ички ишлар ходимлари хотиринлар, уларнинг фарзандларига байрам туҳфаси сифатида ўқув қуроллари тақдим этилди.

Маҳаллаларда фўқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаган ёшлар билан ишлашда фаолиқ кўрсатаётган 25 та «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари ҳамда маҳалла педагог-тарбиячилари рағбатлантирилди.


Шу билан бирга ўсая келаятган ёш авлодни тарбиялаш, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий сависинини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши фаолиятига доимий равишда амалий ёрдами ва ҳамкорлиги учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгашининг фахрий дипломи билан тақдирланди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи

Хотира турнири якунланди

Маълумки, ички ишлар идоралари ходимларининг саломатликларини мустақамлашда, уларнинг касб маҳоратларини оширишда турли хил тадбирлар, мунтазам ўтказилиши катта аҳамият касб этади. Тошкент шаҳар ИИББ тизимларида бу борада музайян ишлар қилинмоқда. Бош бошқарма раҳбариятининг ташаббуси ва бевосита ташкилотчилиги туфайли ИИББ тизимлари ўртасида спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар, спартакиадалар ва хотира турнирлари ўтказилиб келинмоқда. Айниқса, милиция генерал-майори марҳум Ислам Сатторов хотирасига бағишлаб ўтказиб келинаётган футбол мусобақалари бугунги кунда анъананага айланиб қолди.

Салкам бир ой вақт мобайнида давом этган навбатдаги хотира турнирида шаҳар ИИББ идора тизимларидан жами 18 та жамоа яшил майдон узра тўп суриди. Баланд руҳ ва уюшқоқлик билан қўзғин тус олган ўшбу футбол мусобақаларининг якуновчи финал босқичида Қўриқлаш бошқармаси ва Сергели ТИИБ ходимлари қоллиб учун ўзаро беллашдилар. Шиддатли тус олган мажмур учрашувнинг иккинчи бўлими ҳажонли дақиқаларга бой бўлди. Ҳар иккала жамоа вакиллари турнир биринчилигини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Бироқ тезкорлик ва маҳорат билан кетма-кет ҳўжумлардан унутили фойдалана олган Қўриқлаш бошқармасининг моҳир ўйинчилари рақибларининг дарвозасини тўрт мартаба иш-



ол қилишга эришиллар. Шундай қилиб 4:1 ҳисобида Сергели ТИИБ жамоасини доғда қолдирган Қўриқлаш бошқармаси футболболчилари турнир шўҳусисига чиқдишга муваффақ бўлишди. Фахрли иккинчи ўрин Сергели

ТИИБ жамоасига, учинчи ўрин эса ЙПХ жамоасига насиб этди. Миробод ТИИБ жамоаси тўртинчи ўрин билан чекланди.

Хотира турнирининг тантанали ёпилиш маросимида ИИББ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги А. Аҳмедов барча иштирокчиларни эришган ютуқлари билан табриқлади. Шунингдек, ИИББ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истефодаги милиция подполковниги Н. Хабаров ва И. Сатторовнинг турмуш ўртоғи Зоя Сатторова ҳам сўз олиб, иштирокчиларга ўз самий тилакларини билдирдилар.

Ғолиб ва совриндорларга Фахрий ёрлик ҳамда эсалиқ совғалари топширилди.

Самариддин ҲАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази назирси.
СУРАТЛАРДА: хотира турнири беллашувларидан лаҳзалар.

Инсон ва қонун

• ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Босқинчилар гуруҳига чек қўйилди

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБнинг уюшган жиноятчилик ва талончиликка қарши кураш бўлими, Мирзо Улугбек ва Чилонзор тумани ИИБ ходимларининг олиб борган тезкор ҳаракатлари натижасида яна бир уюшган жиноий гуруҳнинг фаолиятига нукта қўйилди.

Ушбу уюшган гуруҳ аъзолари шахримизнинг турли қулудларида ўзларини коммунал хизмати ходими ёки «тез тиббий ёрдам»дан эканлигини рўқча қилиб бир нечта хонадон вакилларига моддий ва маънавий томондан катта миқдорда зарар етказганлар. Дастлабки суриштирув ишлари натижасида аниқланган маълумотлар асосида уюшган гуруҳ «саргузашт»лари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

2002 йил 7 октябрь кунини соат 11.00 да улар Сергели тумани Сергели 3-даҳасидаги кўп қаватли уйлардан биридаги хонадонга юзларига қора никоб, қўлларига овар милтиги ва пичоқлар билан бостириб киришди. Хонадон соҳибни М.Кга жасоний куч ишлатиб, унинг жамгармасидаги 300 АҚШ долларини ва 30 минг сўмдан ортиқ пулини, шунингдек бир қанча тилла тақинчоқларини қўлга киритгандан сўнг воқеа жойидан ғойиб бўлиш таништириб, ичкарига киришга муваффақ бўлишди. Сўнгра босқинчилик ишларини бошлаб хонадон соҳибининг «ортиқча хархаша»лари ва «қаршилиқ»ларини тўхташтириш мақсатида қўл-оёғини боғлаб қўйишди. Шу аснода бечора хонадон соҳибига ақс ҳолда ўлими ўзларининг қўлларидан эканлигини уқтириб қўйишди. Тақдирга тан

берган жабранувчи илжосизликдан жамгармасидаги 2000 АҚШ долларини ҳамда беш хилдаги қимматбаҳо тақинчоқларини беришга мажбур бўлади. «Ов»лари бародидан келаятган жиноятчилар бундан кейинги фаолиятларининг Сергели тумани миқсисида чекланадиганлигини хоҳлашмади, шеклани...

Чамаси бир ярим ойча вақтни ўтказишди. Тўғри, лойқа суварлар тинди. Уларнинг бу гапга фаолияти Юнусовда туманининг Марказ-5 мавзесида яшавани К.И.нинг хонадонига тўғри келди. «Қўтилмаган меҳмонлар» эшик кўнгиригини тинимсиз жингилатаверганидан сўнг К.И. «меҳмонни билиш учун ким дег» сўраганида, эшик ортдан «мен» деган жавоб келди. Унинг қилишини ўз кўзи билан кўришни истаган К.И. эшикни очганида жиноятчиларга юзма-юз бўлади. К.И. ҳам ҳеч бўлмаганида жонини ортириш илжисидан Юнусовда, Миробод туманларидаги хонадонларда ҳам ўз фаолиятларини давом эттиришди, тегишли улушларини қўлга киритишди...

2003 йил ҳам кириб келди. Янги йилда янги режаларни пухта туздилар. Кейин эса Ф.И.га тегишли 1000 АҚШ долларини ва 300000 сўм пулни ва умумий нархи 5000000 сўмлик тилла тақинчоқларини олиб

• ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Алдагани гўдак яхшимми?

(Бир сохта тадбиркорнинг қинғир фаолияти тўғрисида)

Дунёда болакай чехрасидан-да покиза чехра, жозибадор жилмайишидан кўра самимийроқ кулгу бўлмаса керак. Унинг мурғак қалбидо офтоб мисол покизалик бор. Ёниб турган кўзчалари оламини нур каби нурафшон қилгудек.

Дарҳақиқат, фарзандлар ҳаётимиз маъносидир. Дилимизда жо бўлган жамки орзу-истакларимиз ҳам ана шу дилбандларимиз учун аталган. Болажон халқимиз фарзандларининг камолоти учун ҳар нарсасга тайёр.

Албатта, ҳар бир инсон ўз дилбандларига аввало, яхши едириб-ичиришни хоҳлайди. Гўдаклик чоғларидан унинг тарбияси билан бир пайтда ейдиган таъмига ҳам катта эътибор беради. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб вояга етишларида она сутига қўшимча равишда беришга мўлжалланган махсулотлар ҳам ўз ўрнида фойдали ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бу борада қатор ишлар йўлга қўйилган бўлиб, келажак авлодларимизнинг баркамол уялишини учун уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатадиган турли озуқалар тайёрланадиган. Ана шу каби савобли ишларга бел боғланган юртдошларимизнинг фаолиятларига биз аввало ривож тилаймиз. Бироқ шולי курамсиз бўлмаганидек, орамизда ишончга сазовор бўлишига арзимайдиган, ўз нафсини йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Уларнинг гўдаклик даврини ёддан чиқарган, одамийлик қиёбасидан йироқлашган турли-туманлиқ гамида болалар соғлиғи учун мутлақо зарарли бўлган махсулотлар ишлаб чиқараётганликлари ачинарлидир.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан ошонинга мўмай даромад топилганини қўзлаган ана шундай «учар»лардан бирининг фаолияти

сотиб оладилар. Жорий йилнинг бошларида ҳамма керакли хом ашёлар тайёр бўлганидан кейин Мирзо Улугбек туманида жойлашган хонадонлардан бирида қўфёна тарзда 400 донга қалбаки «Малютка-Истринская» деб номланган эсимик болалар сутли ичимликни эмизиб чиқарадилар. Шундан сўнг икковлон дастлабки қўлбола махсулотлари, яъни 20 та яшиқча ихчамгина қилиб тахланган жами 400 донга «Малютка-Истринская» лари С.Нишондов мақсадида шундай фаолият билан шўғулланганликлари ҳам аниқланди.

Улар ана шу «Малютка-Истринская» махсулотини қадоклаш учун «Қадокловчи» ОТЖЖнинг ходими Н.Шиманов ва босмахонада мутахассиси бўлиб ишлаётган К.Ахмедов исмли фўқароларга 7000 донга хом ашё сифатида кесилмаган қоғоз идишларни чиқариш лийка ҳеч қанча ҳужжат расмийлаштирмаддан буюртма берадилар. Сўнгра эса босмахонадан чиқарилган 3000 донга тайёр махсулот қорғоз идишлари оладилар ва дастлабки режалари силлик кечганидан илҳомланганча, навбатдаги «босқинча» ўтишади. «Карвон-сарой» озик-овқат улғурғи бозоридан ҳар бир қилграммин нархи 2200 сўмда баҳоланган, Россияда ишлаб чиқарилган ваэни 25 қилграмдан ўлчанган, жами ўч қол «Сухое молоко» аралашмаси, босмахонадан олиб чиқарган қоғоз идишларини кесиб мақсадини, қадокланган тайёр идишининг устки томонига ёпиштиришга мўлжалланган 120 донга ҳар қоғозларини, елим ҳамда ҳар бири 11 сўмдан баҳоланадиган 400 донга пластик қошиқчаларни

Самандар ҲАҚҚУЛОВ

Хайвонот оламида

ДУШМАНИ —
ЎЗ ҚАРИНДОШИ

Табиат кўп минг йиллар давомида шундай жониворларни яратдики, улар ўзларининг нишлари билан биринчи уринишдаёқ ўз ўлжаларининг асаб тугунчаларини аниқ мўлжалга олиб шикастлайдилар ва уларни шол қилиб қўйдилар.

Масалан, ер қазийдиган Аммофила сабумза деган ари пашша, чивин ва асалари кабиларга учиб кетаётган йўлида заҳар солиб уларнинг асаб тугунчаларини ишдан чиқарди. Шундан сўнг ари шол бўлиб қолган ўлжасини кўтарганича илгаридан тайёрлаб қўйган чуқурчага тушиб унинг устига икки тухум қўяди, сўнг тупроқ билан қўмади. Ўлжа устига қўйган тухумдон гўмбақлари пайдо бўлгач, уларнинг вояга етиши учун ўша ернинг ўзида озука ҳам етарли бўлади.

Филантус тамангулуя деган ари ҳам худди юқоридегидек усулда ов қилади. У асаларини ушлашга жуда ҳам мослашганлиги учун унга «Асалари бўриси» деб ном қўйилган. Ари асаларининг миясига заҳар солгач, у тез орада ҳалок бўлади. Шундан сўнг асаларининг қоринини ёриб, ундаги асални ёйди. Қизиғи шундаки, ейилган асал йиртқич ари гўмбага заҳар каби таъсир этиб уни ҳалок қилади.

Асаларининг ўз душманига қарши кураш йўллари ҳам бор. Яқинлашиб келаётган қовоғарини сезиб қолган асаларининг 200-300 лан иборат галаси қовоғарини тезликда ўраб олади. Ана шундай доира ичидаги ҳайвоннинг ҳарорати тўрт дақиқа ичида 46 даражага кўтарилди ва бундай ҳарорат 20 дақиқагача сақланиб туради. Иссиқ ҳаво ҳалқасида қолган қовоғари оқибат натижада ҳалок бўлади. Демак, қовоғари кўпчилик ўйлаганидек, асаларининг қақшидан эмас, балки юқори ҳарорат таъсирида нобуд бўлади. Асалариларнинг ўзи эса бундай иссиқ ҳаводан таъсирланмайди.

ГАРОЙИБ
ИТБАЛИҚЛАР

Қурбақа итбалиқлар орасида тез ривожланган йирик турлари ва секин ўсадиган майда турлари учрайди. Лаборатория шароитида тез ўсётган итбалиқлар яшаб турган сув секин ривожланаётган бақа личинкалари идишига қўйилганда бундай сув личинкалар ўсишини тўхтатиб қўйган. Баъзан эса уларнинг нобуд бўлишига олиб келган. Бунинг сабаби шундаки, бақалар яшайдиган сувда модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқинди маҳсулотлар ёшроқ итбалиқлар ўсишини тўхтатиб қўяр экан. Борди-ю ёш итбалиқлар яшаб турган сувни ёши каттароқ бақа болалари идишига қўйилса аксинча натижа кузатилади. Яъни ёши катта итбалиқларнинг ўсиши янада жалалашади. Бошқача қилиб айтганда итбалиқлар яшаб турган сув ёшроқ бақа болалари учун ўсишини тўхтатиш ҳақида сигнал бўлиб хизмат қилар экан.

Шу нарса аниқланганки, итбалиқларнинг орқа оёғи тўла ривожланиб ўз вазифасини бажара бошлаши унинг олд оёқлари ривожланиши учун сигнал бўлиб хизмат қилади. Бақанин қариндоши бўлиши тритонда эса ҳаммаси аксинча — биринчи бўлиб олд оёқлари ривожланади, бу жараён туғача, унинг орқа оёқларининг ривожланиши бошланади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Дилимдасан-пойтахтим" энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;
Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;
Қўшиқ илк бора ижро этилиши керак;
Қўшиқ сифатли аудиоускуналарга (минидиск, CD) ёзилиши керак.
Таклифлар 1 октябрғача қабул қилинади.

Энг яхши қўшиқ, этнотановил ҳаваскорлар ва радионингизлар томонидан аниқланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

Севимли ШАХРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

• САЛОМАТЛИК

КЎЗЛАРИДА МЕХР МУЖАССАМ

Юртимиз Мустақилликка эришгач, соғлиқни сақлаш борасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, улардан қўзланган асосий мақсад — инсон саломатлиги, соғлом авлод баркамоллиги бўлди. Замоनावий шифо масканлари бунёд этилди, улар энг самарали тиббиёт жиҳозлари билан таъминланмоқда, малакали шифокорлар тайёрлашга эътибор кучайди.

Поликлиникамизда ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар бажарилди. Хусусан рентген бўлими тўла таъмирдан чиқарилди. Беморларга қулайлик яратиш мақсадида жарроҳлик, эмлаш хоналари таъмирланди. Энг муҳими эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида шифокорлар малакасини оширишга, тор

мутахассислар ўрнини тўлдиришга эътибор қаратилди. 29.000 аҳолига хизмат кўрсатадиган шифокорларимиз маҳалларга чиқиб, оммавий тиббий кўриқни ташкил этишди. Бундан қўзланган асосий мақсадга — аҳолини ўз вақтида соғломлаштириш, беморларни даволашга эришилмоқда.

Биз шунини истаймизки, ҳузуримизга шифо истаб келган ҳар бир бемор дардини олайлик, керакли маслаҳатларимизни берайлик. Уларнинг умид тўла кўзларига меҳр билан боқайлик. Зеро «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деганларидек, халқи соғлом, фарангалари баркамол юрт равнақ топади, эртаси порлоқ бўлади.

Нигора ШЕРМУХАМЕДОВА,
18-оилавий поликлиника бош шифокори.

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Файзли дастурхонимизнинг кўркига-кўрк қўшадиган мевалардан бири нок ҳисобланиб, хусусиятлари ўзгачалиги билан ажрალიб туради.

Ўлкамиз бағрида етиштирилмаган нок турлари ўзининг кўриниши, пишшиш палласи, шарбатлиги ва ботимлиги билан бир-биридан фарқланади. Нокнинг шифобахш хислатлари борасида тўхталмаган бўлсак, унинг таърифи дostonча бўлади.

Кўҳна замонлардан бери халқ табобати амалиётида нок мевалари воситасида бир қатор хасталиклар даволаниб келади. Ўз даврида буюк ҳакиму ҳоziқ Абу Али ибн Сино нокни истеъмол этишни меъда мушакларини мустаҳкамлаш, мева ва унинг қоқисини яра ва жароҳатларга боғлашни тавсия этган. Кўзқоринлар билан заҳарланган кишига нок кулдан берилиши лозимлиги ҳақида маълумот берган.

Халқ табобатида сархил нок меваси ва шарбати, шунингдек, қоқисидан тайёрланган қайнатмалар пешоб ҳайдайди, ҳароратни пасайтирадиган ва изтиробли йўталга эмлик қиладиган восита тариқасида қўлланилади. Нок юракнинг бежо уришида, қовуқ касалликларида фойдали, овқатнинг сингишини яхшилаб, руҳиятни кўтаради.

Халқ табобати амалиётида нокли мураббо ва пиширқ кўксов, бронхитларда йўтал қолдирувчи, ўпка сили, бўғилишда ижобий таъсир кўрсатувчи

беозор омил сифатида тавсия этилади. Безгак тутаётган беморга нок қайнатмаси пешоб йўлидаги яллиғланиш содир бўлганда, сийдик-тош касалигида самарали бўлади.

Болаларнинг ичи ўтиши содир бўлганда нок қоқиларидан қайнатма тайёрлаб сули қайнатмаси билан аралаштирилиб берилади.

Ҳинд халқ табобатида нок меваларини кишига таскинлик берадиган, тинчлантирувчи восита сифатида қўллайди. Маълумотларда қайд этилишича, нок қандли диабет билан оғирган беморларга парҳез таом сифатида берилади, шунингдек, қилтомирлар (капилляр)нинг деворларини мустаҳкамлаш мақсадида тавсия этилади.

Аниқ маълумотларда қайд этилишича, нок кўроғини ҳамда симоблан заҳарланган кишиларни зарарсизлантириш хусусиятига ҳам эга. Табобатда нок шарбати, мусалласла тайёрланган экстракти хавфли ўсмаларга маълум даражада шифолик қилади. Хорижда нок қайнатмаси, сувидан ичтурувчи, буйрак яллиғланиши (нефрит)ларга эмлик қилиши учун ҳам тавсия этилади. Манбаларда келтирилишича, нок баргларидан тайёрланган қайнатма ва дамламалар бўйида бўлишдан сақлаш учун ишлатилади.

Табиқларнинг таъбирича, нокнинг қанчалик ҳиди муаттар, хушбўй бўлса, у шунчалик юракка даво бўлади. Дарҳа-

қикат, нокнинг бунчалик ҳосиятларга бой бўлишини унинг таркибида жо бўлган ҳаётбахш омиллар билан изоҳлаш мумкин. Чунки, унда 0,4 фойз оқсил, 9 фойзгача карбонсувар, 3 фойз атрофида полисахаридлар, органик кислоталар, ошловчи ва бўёқ моддалар, арбутин, хлорогенат кислота мавжуд. Нокда маълум миқдорда Е, С, Р, В 6 белгилли дармондорилар, шунингдек, калий, кальций, кремний, магний, олтингугурт, фосфор, темир, йод, кобальт зарра маъданлари ҳамда ферментлар, бактерияларга қирон келтирувчи фитонцидлар мажмуаси бўлади. Кўриниб турибдики, нокда К нуеурининг бўлиши уни истеъмол қилган кишиларда пешоб кислоталарини камайишига олиб келади, натижада урат тузларининг эрувчанлиги кучайиб, буйрак тошлари пайдо бўлишининг олди олинади. Нок уруғларининг ҳам ўзгача хислатлари бор, у гижжа ҳайдаш «қобиляти»га эга.

Уй-хонадон шароитида нокдан қайнатма усулидан фойдаланиш мумкин. Чамаси ярим стакан нок қоқиси олинди, майдаланади ва 3 ош қошиқ сули ёрмаси 2 стакан сувда қайнатилиб, 1 соат дамлаб қўйилади-да, кейин сузилади. Бемарвуд ич кетадиган бўлса, овқатланишдан олдин ярим стакандан кунга 4 маҳал ичлади.

Дастурхонингизга баракка, нашвати-га марҳамат!

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

• ТАЪЛИМ

Янги
услубий
журнал

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш институти нашриёт ишлари билан ҳам яқиндан шугуллана бошлади. Шу саъй-ҳаракат туфайли «Замоनावий таълим» деган янги ўқув-методик журнал чиқа бошлади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Урта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Халқ таълими ва фан ходимлари шаҳар кассаба уюшмаси қўмитаси муассислигида ташкил этилган бу педагогик нафъ ўзбек ва рус тилларида омалаштирилмоқда.

«Замоनावий таълим» журналнинг биринчи сони муштарийлар томонидан яхши кутиб олинди. Унда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига амалга ошириш борасида пойтахт мактаблари, болалар боғчаларида амалга оширилаётган таълимий жараёнлар ўз фойдасини топди.

Ҳар уч ойда бир марта чоп этиладиган журналда таълим ва тарбиянинг қатор муҳим муаммолари кенг ёритиб борилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлар...**

• Олимлардан Н.Хаддод айтди:

— Дўстликнинг муҳим қоидалари — агар бир одам ўзига дўст топшини истаса, шу қоидаларга риоя қилиши лозим.

1. Ихлос — муҳаббатнинг хақиқий таржимонидир. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш буни исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад — бир-бирларига манфаат етказиб ёрдамлашишдир. Агар икки дўстан бирисининг кўнглидан бу мақсад чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

2. Хушмуомала — бошқаларнинг кўнглиларини кўтаришдир. Хушмуомаласи туфайли у одам бошқаларнинг қалбларини ўзига жалб этади. Ширинсўз, очиқ ўзлик, гўзал ифода, тавозеъ, мулоимлик, тилни маъносиз, беҳуда сўзлардан тийишлик ва бошқа гўзал хулқ-атвор билан хушмуомала ҳосил бўлади.

3. Йўл қўйиш — бу икки дўстнинг ўзаро тортишишларига сабаб бўлган бир нарсадан икковидан бирисининг воз кечишини таъмин этиб, душманлашиш ва кўнгил қолдиришининг олдини олишдир. Кўп вақтда инсон майда-чуйда нарсаларни ҳисоблаб, ўз дўстидан ажралаиб қолади.

4. Яхшиликни эътироф этиш — бу, дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Дўст дўстга яхшилик қилса, мақтанмаслиги, миннат қилмаслиги лозимдир.

5. Танишиш — бу дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормади, эгри-бугри кадам қўйилса ўртада душманлик пайдо бўлади. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда жуда эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Байт:

**Донога ёндошгил,
қоч нодондан сан,
Хатто у хавфлидир
дono душмандан.**

• Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ.

• Одамлар билан шундай янагинки, дўстларнинг душман бўлмасин, душманларнинг эса дўстга айлансин.

• Хақиқий дўст энг буюк бойлик.

• Агар одам ўз ҳаёти йўлида янги танишлар орттирмас экан, у тезда яққаланиб қолади.

Бир фозил одам шундай ҳикоя қилган:

— Бир гал Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб, ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен итга нон, суюк бердим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Халига ҳамроҳим ўғрилари нон узокдан кўрган замонийек мени ташлаб қочди. Ит эса бир ўғрини оёғидан тишлаб йикитди, талади, ўғри зўр-базўр қочиб кутулди. Иккинчи ўғрини мен мағлуб қилдим. У ҳам қочиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, итнинг ёрдами билан ўғрилاردан кутулдим.

Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб, ёнимга қайтди, риёкорлик билан ҳолимни сўради. Мен унга:

— Йўқол, ёнимга келма, сен каби дўстанд ушбу ит вафолорқ, — деб уни ташлаб, ит билан бирга Хоразмга йўл олдим.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**“Севимли шахрим” акцияси доирасида
“Пойтахт- бизнинг нигоҳимизда”
мавзусида энг яхши фотосуратлар
кўрик-танловини эълон қилади.**

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:
**Кўҳна Тошкент;
Миллий кадриятлар;
Истиқлол нашидалари.**

Фотосуратларни
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
манзилига юборинг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки тукум)
асар қабул қилинади, тукум ҳам
бир асардек қўрилади.

*Энг яхши фотосуратлар
қилмабза совғалар ва дипломлар
билан тақдирланади.*

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ”
радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”,
газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: **133-21-05, 133-38-03**

• МУЛОҲАЗА

**БУГУНГИ
СЕРИАЛЛАР**

Ҳозирги кунга келиб «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш этиладиган сериаллар сони ортиб борапти. Улар шунчалик кўпки, ҳатто, номини эслаб қолиш ҳам муаммо. Лекин баъзи мактаб ўқувчиларидан сўрасангиз, улар сизга сериал номини бирма-бир санаб берадилар. Чунки улар ухламай ярим кечага қадар сериал кўрадилар-да!

Улар кўрган, эшитганларини эслаб қолишлари мумкин. Чунки уларнинг эслаб қолиш қобилиятлари катта ёшдаги одамларникига қараганда, кучлироқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўрган нарсаларини дарров эслаб қоладилар ва уни кўролмай қолган дўгонларига эринмайгина сўзлаб ҳам берадилар. Биз сериалларнинг савияси ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсирини қўя турайлик-да, болаларни дарс тайёрлаш, билим олишдан қандай қалғитаётгани хусусида сўз юритайлик.

Автобуста кетаётган пайтимида тахминан 5-синф ўқувчиларининг суҳбати қулоғимга чалинди. Улар то манзилларига келгунларига қадар, сериал қаҳрамонларининг қилган иши, айтган гапи, ҳаттоки, кийган кийимигача бир-бирларига гапириб келдилар. Лекин уларнинг бирортаси ҳам дарсда ўтилган мавзу ёки уйга берилган топшириқни эсга ҳам олмади. Тўғри ҳар ким хоҳлаган нарсасини гапирди. Бироқ айрим мактаб ўқувчиларидан сериал эмас, балки грамматикадан ёки қарра жадвалдан сўрасангиз елка қисишади, уялмай «билмайман» деб, жавоб берадилар. Ўқувчиларнинг сериаллар кўриши натижасида мактабга кеч қолиб бориш ҳолларининг учраб туриши ҳам табиий, албатта. Мен барча ўқувчилар ҳам ана шундай демокки эмасман. Афсуски, орамизда шундайлар топилади. Уларни сериал кўришга эмас, балки кўпроқ китоб ўқишга, изланишга, билим олишга жалб этиш лозим.

Шу қатори ўқувчиларга: энг беғубор пайтларингизда фақат билим сирларини эгалланг, деб қолардим. Улғайганингизда эса сизга ёшлиқда олган билимларингиз жуда асқотади.

**Ирода МУЛЛАБОЕВА,
1-Тошкент педагогика коллежининг
1-курс талабаси**

• САНЪАТ

**КИНОҲУЖЖАТЛАР
ЙИЛНОМАСИ**

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ўзининг бой ўтмиш тарихига эга. Бу йирик санъат даргоҳи 1925 йили пойтахтимиздаги Шайхонтохур даҳасидаги бинода ўз фаолиятини бошлаган эди.

Студия ўша йиллари кўплаб қизиқарли фильмларни суратга олган эди. Улар орасида «Тонг олдидан», «Фарғона канали» каби экран асарлари ҳам бор эди.

«Ер ёзи» деган киножурналнинг экранларга чиқарилган ҳар бир сони ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдиради. Бундай кинолавлардан бирида Аббор Ҳидоятлов, Фатхулла Умаров, Рустам Тўраўжаев каби таниқли санъаткорлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Республикамизнинг бу тўнғич киностудияси йилномаси архив материалларида мангу лаҳзалар янглиб сақланиб қолди. Ушбу материаллар янги суратга олинаётган фильмда ўз аксини топади. Кинорежиссёр Эдуард Хапаторов томонидан яратилаётган бу экран асари яна бир киноҳужжати сифатида томошабинларга қўрсатилади.
Акбар АЛИЕВ

Аскиячилар тарихидан

Кулги усталарининг отаси

Қадимдан Кўкон шаҳри қизиқчилар ва аскиячилар макони бўлиб келган. Кулги усталарининг отаси ҳисобланган Зокир эшон тўғрисида оғзаки гаплар кўп, ёзма маълумотлар жуда кам. Бу етакчи қизиқчи ва аскиячининг асл исми-шарифи Рустам Мехтар ўғли бўлиб, мучали сигир бўлгани учун уни Зокиргов дея аташган. Зокиргов 1824 йили шаҳардаги майда қосиб оиласида таваллуд топган. У ёшлигидан ҳаётдаги қизиқ-қизиқ кулгили воқеа ва ҳодисаларни ўрганиб, юздан ортиқ имо-ишора ҳамда оғзаки бир пардали ичак узди комедиячалар яратган. Хон уни Бедибёр шум ўрнига сарой қизиқчиси этиб тайинлаганидан сўнг у ўз атрофида тенгқур комик актёрбоп йигитларни тўплаб, «Мозор», «Зарқолар», «Авлиё», «Сирқатароқ азизлар», «Ҳожи кампир», «Невара дуоси», «Қаландарлар», «Мардикор ва новвой» каби ўнлаб томошаларни шаҳар марказидаги сайрибоғ ва Худоёрхон саройи саҳналарида намойиш этган. Зокирговнинг шоғирдлари Кўкон атроф ҳудудлари: Марғилон, Фарғона, Андижон каби шаҳарлардан бўлиб, улар ҳафта сайин йиғилишиб, то-

моша кўрсатиш олди машқларини ўтказарканлар. Шоғирдлар орасида Саъди Маҳсум, Дехқонбой қизик Шерназар ўғли, Юсуф қизик Шакаржонов, Мирзараҳим Кулоқ, Комилқори Кулижонов, Нормат ва унинг ўғли Пўлат қизик, Ака Бухорлар асосий ролларни ижро этганлар. Шунингдек, Зокиргов олис чекка шаҳару қишлоқларда ҳам қизиқчилик ва аския кечалари ўтказиб, тўйлар ва зиёфатлар каби йиғинларда одамларни қулдираб, шу билан бирга халқ орасидаги истеъдодли қизиқчи-аскиячиларни ўзининг хон саройидаги гуруҳига таклиф этарди. Ана шундай сазй-ҳаракатлар қилиб, эл-юртни қулдириб, ичак узди томошалар кўрсатиб, Зокир эшон яъни Рустам Мехтар ўғли Зокиргов 1898 йили Кўконда вафот этади. Афсуски, у яратган жуда кўп оғзаки театр намуналари ёзиб олинмаганлиги туфайли бизгача етиб келмаган.

Куйида Зокиргов яратган оғзаки театр томошаларининг оғиздан оғизга кўчиб келган намуналаридан биттаси билан танишасиз.

НЕВАРА ДУОСИ

Томошагоҳ саҳнасида эшак минган Зокиргов пайдо бўлади. У гўё ҳовлиқиб, эшагидан тушиб, ариқ ёқасига боради. Сува «Мени кутқаринлар!» деб, оқиб келаётган бола (Маҳкам пакана)ни ариқдан тортиб олиб, унинг оёғини осмонга қилиб, силкитиб, кийимларини ечиб, жим турган эшаги устига ёяди. Кейин белидан белбоғини ечиб, боланинг юз-кўзларини артиб, оёқ-қўларини уқалайди, бола кўзини очгач, сўрайди:

- Кимнинг ўғлисиз, бутам?
- Мамарайим эшоннинг невараси-ман, Азимхўжа Қорининг ўғлиман!

— Буни қаранг, омадим бор экан, табарруқ зотлар зурриёди экансиз. Мана, кийимларингиз ҳам қуриди. Маъраҳамат, кийиб олинг! (У болани кийинтириб бўлиб, пешонасидан ўпиб, рўпарасига тиз чўкиб, илтижо қилди.)

— Энди бутам, илтимос, табарруқ зотлар зурриёди бўлганингиз учун мени бир дуо қилинг, шояд дуоингиз ижобатга ўтиб, ишларим юришиб кетса? Мен таниқли носфуруш Абдимансур миждов бўламан. Қани, бошланг?

— Ундай бўлса қўлингизни дуога шайланг, — дейди бола, — сиз мен оқиб кетаётганимда кутқардингиз, кийимларимни офтобда қуритдингиз.

Илойим, бошингизга менинг куним тушса сизни худойим қуритсин, омин Аллоху акбар! Хайр, мен кетдим!

— Барақалла бўтам, хайр, яхши етиб олинг!

Бола кетади. Носфуруш эшагига минайтиб, ерга оёғини тираб, ўйлаб қолади:

— Товба! Бу зингарча қанақа дуо ўқиди ўзи! «Худо сизни қуритсин» деди-я? Э табарруқ зот бўлмай кет-э! Омадим юришини ўрнига тескарисимга қия бўладиганга ўхшайди! Эҳ, вой! Пешонам шўр экан!

**Оққа кўчирувчи хандапаз
Олим КўЧҚОРБЕКОВ**

Спорт

ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Айни кунларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида курашга қизиқиш катта ва хорижликлар ҳам ўзбек кураши билан бевосита шугулланаётганликлари, халқаро турнирларда ҳатто галаба қозонишга тгани қувонарли ҳолдир.

Маълумки, 6 сентябрь — курашнинг жаҳон сахнасига чиққан, хорижликлар томонидан сеvimли спорт тури сифатида тан олинган кун тантаналарида иштирок этиш мақсадида пойтахтимизга Осиё Кураш конфедерациясининг президенти Жагдеш Татлер ҳамда Халқаро дзюдо федерациясининг президенти Ёнг Сонг Парк жаноблари ташир буюришди. Дарвоқе, осиёлик кураш мутасаддиси Татлер бошчилигидаги делегация аъзолари жорий йилнинг кузида Тошкентда уюштирилаётган Осиё чемпионатига тайёргарликнинг бориши билан танишадилар, ўзбек полвонлари иштирокидаги қизиқарли беллашувларнинг гувоҳига айланадилар.

САМБО ФЕСТИВАЛИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Пойтахтимизда аёллар самбоси фестивали бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, жорий йилда ташкиллаштирилган фестивал дастуридан қизлар, ўсмирлар, аёллар ўртасида Осиё чемпионати ҳамда аёллар самбоси юлдузлари иштирокида жаҳон чемпионати мусобақалари ўрин олган эди.

Фестивалда Россия, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳамда мамлакатимиздан 200 га яқин курашчи қизлар иштирок этишди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу фестивалда Мўғулистон ҳамда Россия терма жамоалари етакчилик қилиши керак эди. Аммо 1984-85 йилларда тузилган қизлар баҳсида ўзбекистонликлар ҳам ўз рақибларига етарлича қаршилик қила олишлари мумкинлигини исботлашди. Ўз вази тоифасида ўтказилган бахсларнинг олтитасида ҳамюртларимизга финал беллашувида олтин медаллар учун курашиш насиб этди. Ушбу фестивалнинг биринчисида кўра аҳамиятли томони шунда бўлдики, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин ўзбекистон терма жамоасига насиб этди. Мўғулистон ва Россия иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояландилар. Бунинг сабабларидан бири юзга суртилган кремларнинг тўғри танлай олмаганидир. Кремларни қачон, куннинг қайси пайтида билиб, тўғри суртилса, юз терлашнинг олди олинади. Бундан ташқари уларни ҳаддан зиёд кўп микдорда суртиш ҳам юқоридаги нохуш оқибатларга олиб келади. Турли намлиантирувчи кундузги крем ҳамда бир хил био-кремларни яхшиси ўз ўрнида ишлатган маълумроқ. Бир сўз билан айтганда кремни мутлақо тоза

Акбар Йўлдошев

“СЕМУРҒ-2003”

Шу йилнинг 4-10 сентябрь кунларида Тошкент вилоятининг Сойлик кўрғонидаги оромгоҳда “Семурғ-2003” халқаро ёшларнинг анжумани бўлиб ўтади. Мазкур тадбири Ўзбекистон қизил ярим ой жамияти уюштирди.

Ўзбекистон Қизил Яримоий жамияти миллий кенгашидан “Туркистон-пресс”га маълум қилишларича, унда республикамизнинг барча ҳудудларидан эллик нафар жамиятнинг фаол кўнгилчилари, шунингдек, Швейцария ва халқаро Қизил Хоч қўмитаси ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Яримоий жамиятлари халқаро федерацияси вакиллари иштирок этади.

Ушбу анжуманининг асосий мақсади, кўнгилчиларни мазкур ташкилот ишлари алоқадор фаолиятга ўқитиш, ўзаро тажриба алмашиш, янги технология ва услубларни ўрганишдан иборат. Оромгоҳдаги машғулотлар кичик гуруҳларда ўтказилиб, иштирокчилар маърузалар пайтида ўрган

ган илмларини амалда синаб кўришади. Ҳар бир кун маълум бир мавзуга бағишланади. Ёшлар ташкилотларининг тақдими, кўнгилчилар ва уларнинг етакчилари фаолияти, ОИТС касаллигига чаалинганларга толерант муносабат, гиёҳвандлик ва силга қарши курашиш, инсонпарварлик фойдаларини ёйиш мавзулари шулар жумласидандир.

Кенгайтирилган дастурда энг яхши лойиха ва дастурлар танлови кўзда тутилади. Анжуманининг хорижий иштирокчилари эса Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан танишади.

Ёшларнинг бундай тадбирлари анъана тусига кириб, кўпгина мамлакатларда ўтказилмоқда. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримоий жамиятлари федерацияси бугунги кунда 97 миллион кўнгилчиларни, 190 мамлакатдаги миллий жамиятлар аъзоларини ўзида бирлаштиради. Улар ўз фаолиятини ҳаракатнинг етти тамойилига суяниб иш юритади. Булар, инсонпарварлик, кўрқмаслик, холислик, мустақиллик, кўнгилчилик, бирлик ва умумийлик тамойилларидир.

“Туркистон-пресс”

Табассум

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Ўқувчи: — Қанд сўзи иштирок этган жумла тузинг.
Ўқувчи: — Эрталаб қаҳва ичдим.
Ўқувчи: — Бу гапнингда «қанд» сўзи қаерда?
Ўқувчи: — Қаҳванинг ичиди.
Эриб кетган.

ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА

Ўқувчи: — Қани Африкада яшайдиган олтин иртқич ҳайвонни сана-чи?
Ўқувчи: йўлбарс, фил, каркидон...
Ўқувчи: Ҳа айтақол.
Ўқувчи: Учта қоплон.

КИМЁ ДАРСИДА

Ўқувчи: — Шу тангани қислотасига солсан эрийдими, йўқми?
Ўқувчи: — Эриса ташламас эдингизда...

— Йўқ.
Ўқувчи: — Тўғри, эримаслигини қаёқдан билидинг?
Ўқувчи: — Эриса ташламас эдингизда...



Ота-онам руҳсат беришди, бир укаларимни айлантириб келай.

Абдураул Ҳакимов чизган расм.

Маслаҳатларимиз

Меъёри билан ишлатинг

Ёзнинг иссиқ кунларида аксарият аёллар юзларини бетинини рўмолча билан артиб, жуда кўп терлашларидан шикоят қиладилар. Бунинг сабабларидан бири юзга суртилган кремларнинг тўғри танлай олмаганидир. Кремларни қачон, куннинг қайси пайтида билиб, тўғри суртилса, юз терлашнинг олди олинади. Бундан ташқари уларни ҳаддан зиёд кўп микдорда суртиш ҳам юқоридаги нохуш оқибатларга олиб келади. Турли намлиантирувчи кундузги крем ҳамда бир хил био-кремларни яхшиси ўз ўрнида ишлатган маълумроқ. Бир сўз билан айтганда кремни мутлақо тоза

ва қуруқ терига суртилса, унинг сингиши осонроқ бўлади.

Кийик ўтнинг бир ош қошиқдаги 200 грамм сувдаги дамламаси терига суртилади. Ўсимлик таркибиде эфир мойи, С дармондориси, каротин моддаси бўлгани сабабли у озиклантирувчи, шамоллашнинг олдини оловчи восита ҳисобланади.

Агар терингиз қуруқ ва ёгли нормал бўлса, озиклантирувчи лосьонни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. 70 грамм қайнатиб совутилган сув, 5 грамм глицерин, 30 грамм бодринг шарбати, 2 грамм ачитки зарур бўлади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «ПАЛАК» шўъба корхонаси тугатилади.
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичиди қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 78-уй, тел: 41-20-56 қабул қилинади.

Меъёридаги ва ёгли тери учун лосьон тайёрлашда: 05 грамм бор кислотаси, 80 грамм қайнатиб совутилган сув, 5 грамм глицерин, 20 грамм ароқ керак.

Доимий чанқашдан ҳимояланиш учун сувни кўпроқ ичиш эмас, балки унинг микдорини танада сақлаб қолишга эътибор бермоқ керак. Салқин ерда танадаги сув йўқотиш 1,5 марта камаяр экан.

Сувни ичиш учун дарё, чашма, кўлдан олганда 10 дақиқа қайнатиш керак. Уни кимёвий зарарсизлантириш учун эса марганцовка майда доналаридан бир нечтасини ташлаб, ним пушти рангга киришиб 10-15 дақиқадан кейин ичиш лозим. Агар марганцовка бўлмаса 1 челақ сувга икки чой қошиқда йод, озгина туз ташлаб 20 минутдан кейин ичиш лозим.

Қора-қамиш
1/4 мавзеида 5 хонали
уй сотилади
Телефон: 48-25-77

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Паришонхотирлик

Бир шахмат ишқибози ўйин билан бўлиб ярим кечагача ошнасиникида ўтириб қолибди. Тоқати тоқ бўлган мезбон ниҳоят дебди:

— Э аттанг, дўстим, эрталаб ишга боришим керак-да. Мехмон ўрнидан даст турибди! Таажубланиб:


— Буни қара-я, сен меникида мехмонсан, деб хижолат тортиб ўтирувдим боядан бери, — дея жавоб қайтарибди.

«Тез ёрдам»


Ричард Пеннинг 1844 йили Нью-Йоркда чоп этилган «Шахматчилар учун хикматли сўзлар ва маслаҳатлар» номли китобида шундай тавсия берилади: «Бордию, мехмонингиз сиздан устма-уст бир неча бор мағлуб бўлганидан ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоятлангудай бўлса, навбатдаги ўйинни дарров ютқазиб беринг, шу захоти тузалди-қолади. Шифокорнинг ҳеч ҳам кереги йўқ».

Анвар ИНОКОВ шахмат бўйича спорусталигига номзод.

Маҳоратингизни синаб кўринг



1) Оқлар юришни бошлаб дурангга эришади.



2) Оқлар юришни бошлаб галаба қозонади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Тошкент оқшоми» газетаси ходими Гулчеҳра Дурдиевага онаси

Саломат ая НАРУЗУЛЛАЕВИНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихроқ қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги лотереялар ташкил қилиш бошқармаси жамоаси, бошқарма бош ҳисобчиси Матлуба Файзуллаева Мўминовага турмуш ўртоғи **Жалол АРИПОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихроқ этади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир **Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нускада босилади. Қўроғ биниси А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер мўражаида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмасхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.